ЎЗБЕКИСТОНДА КУЧЛИ ДАВЛАТДАН КУЧЛИ ЖАМИЯТГА ЎТИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИНИ ЯРАТИШДА РАҲБАРНИНГ РОЛИ

М.У.Атамуратов

Мақолада кучли давлатдан кучли жамиятга ўтишнинг ижтимоий-иқтисодий асосларини яратишда раҳбар кадрларнинг роли масаласи ёритилган.

***Калит сўзлар**: модернизация, раҳбарлик масъулияти, раҳбар кадрлар, бошқарув кадрлари, мансабдор шахс, кучли давлат, кучли жамият, кадрлар малакаси.*

В статье освещена роль руководящих кадров в создании социально-экономических предпосылок перехода от сильного государства к сильному обществу.

***Ключевые слова**: модернизация, ответственность руководителя, руководящие кадры, управляющие кадры, должностное лицо, сильное государство, сильное общество, квалификация кадров.*

The article lights up the role of leading cadres in creating socio-economic prerequisites for the transition from a strong state to a strong society.

***Key words:** modernization, managerial responsibility, leading cadres, managing personnel, official, strong state, strong society, personnel qualification.*

Фуқаролик жамияти қуришда сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва ўзини ўзи бошқариш органларининг жамият ҳамда давлатни бошқариш соҳасидаги ўрнини ошириш, давлат ҳокимияти, жумладан, маҳаллий бошқарув органлари ваколатларининг бир қисмини фуқаролик жамияти институтларига бериш каби ислоҳотларни амалга ошириш бугун тараққиёт йўлимиздаги энг асосий вазифалардан биридир. Шунингдек, Ўзбекистонда кучли давлатдан кучли жамиятга ўтишнинг ижтимоий-иқтисодий асосларини яратишда давлат бошқаруви органлари фаолиятини номарказлаштириш, яъни марказий давлат ҳокимияти органлари ваколатларининг бир қисмини маҳаллий ҳокимият органларига бериш тақозо этилади. Умуман олганда, ушбу жараёнларда раҳбар кадрларнинг масъулияти ошиб боради. Биринчи Президент И.А.Каримов айтганларидек, «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси моҳият эътибори билан Ўзбекистонимиз яқин ва узоқ истиқболда ўз олдига қўяётган юксак мақсадларга эришишнинг амалий стратегияси сифатида хизмат қилаётганини мамнуният билан таъкидлаш ўринлидир» [1].

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини қуришда раҳбарларнинг масъулиятини ошириш омилларига доир мавзуни тадқиқ этиш долзарб вазифалардан бирига айланди. Зеро, «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили асосида чуқурлашиб бораётган ислоҳотларни амалга оширишда маҳаллий бошқарув органларининг жамият ва давлат ўртасидаги бошқарув бўғини сифатидаги ўрни фуқаролик жамияти қуришнинг энг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Биринчи Президент И.А.Каримов мамлакатда «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили асосида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг мазмун-моҳиятини очиб берар экан, қуйидаги фикрларни билдиради: «... бу йўналиш ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ кўп масалаларни ҳал қилишда давлат тузилмаларининг ролини камайтириш ва бу вазифаларни босқичма-босқич жамоат ташкилотларига ўтказа боришни тақозо этади» [2].

Кўриниб турибдики, ҳозирги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш шароитида раҳбар кадрлар олдига бутунлай янги вазифалар қўйилмоқда. Ўзбекистонда «кучли давлатдан – кучли жамиятга ўтиш»нинг ижтимоий-иқтисодий асосларини яратишнинг стратегик мақсадлари раҳбар кадрлар фаолиятининг асосий йўналишларини инсон ҳақ-ҳуқуқларини ва унинг фаровонлигини таъминлашга қаратишни тақозо этмоқда. Фуқаролик жамияти қуриш шарт-шароитлари раҳбарларнинг янгича қарашларга эга бўлишини, замонавий бошқарув усулларини эгаллашини, ўзида Ватан олдидаги бурч ва масъулиятни чуқур ҳис этишини тақозо этмоқда.

Умуман олганда, И.А.Каримов томонидан илгари сурилган «Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари» концепцияси илғор демократик қадриятлар билан адолатли жамият қуришга доир миллий қадриятлар ва анъаналарни уйғунлаштириш асосида ривожланиб борди.

И.А.Каримов иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг VIII сессиясидаги маърузасида фуқаролик жамияти қуришнинг янги босқичи ва тамойилларини илгари сурди: «Бизнинг олдимизда турган яна бир муҳим ва долзарб вазифа, у ҳам бўлса, «Кучли давлатдан - кучли жамиятга ўтиш» деган шиорни амалда рўёбга чиқаришдир. Бу мақсадга эришиш учун, **биринчидан,** давлатимизнинг марказий ва юқори бошқарув органлари ваколатларини босқичма-босқич қуйи тизимга, шу жумладан, ўзини ўзи бошқариш тузил-

маларига ўтказиш талаб қилинади. Булар қаторида биз, биринчи навбатда, ўзини ҳар томонлама оқлаган маҳалла тузилмасини кўзда тутамиз. **Иккинчидан** - жамиятимизда нодавлат, жамоат ташкилотларининг, аввало фуқаролик институтларининг ривожланишига кенг имкониятлар очиб бериш ва уларнинг фаоллигини оширишга кўмак ва ёрдам кўрсатиш даркор» [3].

И.А.Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги (2005 йил 28 январь) маърузасида жамиятни демократлаштириш ва янгилаш концепцияси, шунингдек, мамлакатимизни 2005 йил ва келгуси даврда модернизация ва ислоҳ этиш бўйича асосий вазифаларнинг дастурий концептуал йўналишлари белгилаб берилди. Мазкур маърузада мамлакатни модернизация қилиш борасида узоқни кўзлайдиган «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» деган тамойилга асосланган ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг барча йўналишларида амалга оширилиши лозим бўлган мақсад ва вазифалар аниқ-равшан ифода этилди. Мамлакатда марказий давлат ҳокимияти органлари ваколатларини номарказлаштириш асосида кучли жамиятнинг шаклланиши учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида «ҳокимият ваколатларининг маълум бир қисмини марказдан маҳаллий ҳокимият органларига ўтказишга қаратилган мавжуд қонун ва ҳуқуқий ҳужжатларни бир тизимга келтириш ва уларга қўшимча тарзда янгиларини ишлаб чиқиш» [4] вазифаси белгиланди. Шу билан бирга, «ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳалла, маҳалла қўмиталари ва қишлоқ фуқаролик йиғинларининг роли ҳамда ваколатларини амалда кучайтириш» [5] муҳим вазифалар сирасига киритилди.

Халқнинг бахт-саодати учун давлат ҳокимияти кучли, таъсирли ва албатта, обрўли бўлиши керак. Кучли ва таъсирчан демократик давлат ҳокимияти билан тоталитаризм, авторитаризм, диктатура ўртасида ҳеч қандай муштараклик йўқ. Суиистеъмоллар бўлмаслиги учун назария ва амалиёт ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинишидан иборат тизимни вужудга келтирдики, бу шундай салбий майлларга монелик қилиш ва қарамақарши мувозанатни сақлаш механизмига эгадир [6].

«Кучли давлат» ва «кучли жамият» тушунчаларининг негизида авваламбор давлат ҳокимияти ваколатларининг тақсимланиши тизимининг изчил ишлаши, ушбу тизимда ҳокимиятнинг ҳар бир бўғини ўзига хос куч-қудратга эга бўлиши талаби ётади. Давлат ҳокимияти бўғинларининг жамият ҳаётидаги роли ва таъсирини кучайтириш масаласи кучли давлат ҳамда жамиятга эришишнинг устувор йўналиши саналади. Биринчи Президент «қонунчилик ҳокимияти бўлмиш мамлакат парламентининг роли ва таъсирини кучайтириш»[7]. лозимлигини таъкидлаган эди. Шу боис ҳам ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, маҳаллий вакиллик органлари ролини кучайтириш, қонун ижодкорлиги жараёнини такомиллаштириш ҳамда ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқлари ўртасида ўзаро мутаносиблик ва мувозанатни сақлаш бўйича самарали тизим яратиш мақсадида мамлакатимизнинг қонун чиқарувчи олий органи Ўзбекистон Республикасининг икки палатали Олий Мажлисига айлантирилди [8].

«Кучли давлатдан – кучли жамият сари» ғояси И.А.Каримов таълимотида батафсил талқин қилинган. Бу ғоя ҳозирги кунда нафақат мамлакатимиз, балки хорижий давлатлар сиёсатчилари ва олимлари томонидан ҳам кенг эътироф этилмоқда. Хусусан, Вашингтон университети ҳузуридаги Марказий Осиё ва Кавказ институти раҳбари Фредерик Старр «Ўзбекистонда кучли фуқаролик жамиятини қуриш учун барча имкониятлар мавжуд» [9] деб таъкидлайди. Бу фикрни профессорлар Тетсужи Танака (Япония) ва Ширин Акинер (Буюк Британия) ҳам қўллаб-қувватлашган [10].

Кучли ижроия ҳокимият мавжудлиги эса ўтиш даврида давлатнинг бош ислоҳотчилик ролини таъминлаш, қатъий тартиб-интизом ўрнатиш гарови бўлиб хизмат қилади. И.А.Каримов мамлакатимиз истиқлолининг дастлабки йилларида: «эски қотиб қолган тизим билан янги тизим ўртасидаги кураш кескин тус олган ҳозирги ўтиш даврида ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш учун кучли ижро ҳокимияти зарур» [11] деб эътироф этган эди. Шунингдек, ижро ҳокимияти тузилмаларида кучли раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг фаолият кўрсатиши ҳам ушбу ҳокимият бўғинининг барқарор ишлашини таъминлашда, кучли давлатга эришишда муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун «юксак малакали ва билимдон мутахассислардан иборат, бутунлай янги бошқарув аппаратини барпо этиш, бу мутахассислар учун кучли рағбат ва кафолат тизимини яратиш» [12] лозимдир. «Ўзбек модели»нинг давлат – бош ислоҳотчи тамойили кучли ижроия ҳокимияти фаолиятининг мазмунини ифодалайди деб ўйлаймиз.

Ўзбекистонда «кучли давлатдан - кучли жамиятга ўтиш»нинг ижтимоий-иқтисодий асосларини яратишда раҳбарнинг ролини тадқиқ этиш, шу билан бирга раҳбар омилини ўрганиш масаласи ўзининг илмий долзарблиги билан намоён бўлади. Раҳбар омилини илмий нуқтаи назардан ўрганиш орқали унинг давлат бошқарувидаги мавқеи, ижтимоий-сиёсий жараёнларни бошқаришдаги ўрни ва аҳамиятига объектив баҳо бериш мумкин. Маълумки, раҳбар омили юзасидан жамиятда унинг ижтимоий, тарбиявий, психологик, юридик ва маданий вазифаларини ўрганиш нуқтаи назаридан бир қатор тадқиқотлар олиб борилган. Лекин Ўзбекистонда «кучли давлатдан – кучли жамиятга ўтиш»нинг ижтимоий-иқтисодий асосларини яратишда раҳбарнинг ролини илмий тадқиқ қилиш, бугунги ижтимоий-сиёсий жараёнлар нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бошқарувда раҳбарнинг ўрни ва вазифаларини, унинг ривожланишга қўшадиган ҳиссаси ва аксинча салбий таъсир кўрсатишига сабаб бўлувчи омилларни ўрганишда яна қуйидагиларни эътиборга олиш лозим.

Биринчидан, демократлаштириш ва модернизациялаш жараёнида жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, маданий, маънавий, психологик қиёфаси ўзгариб бормоқда. Бу эса раҳбарлар фаолиятидаги муаммоларни жараён ва омиллар ўзаро алоқадорлиги асосида яхлит ўрганишни талаб этади. **Иккинчидан,** бозор муносабатлари ривожланиши жараёнида одамлар дунёқараши ўзгармоқда, меҳнат фаолиятига муносабатда янгича кўникмалар шаклланмоқда. Бу шароитда раҳбарларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларга қандай кўникмалар асосида мослашаётганликларини таҳлил этиш зарур. **Учинчидан,** шиддатли ахборот даврида очиқ жамиятлар ижтимоий онгини ҳеч қандай қолипларга солиб бўлмайдиган даражада ранг-баранглик касб этмоқда. Бу жараёнда раҳбарларнинг ўрнини ва айнан ана шу ўринни таъминловчи омилларни ўрганиш, баҳо бериш ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир. **Тўртинчидан,** Ўзбекистонда «кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамиятига ўтиш»нинг ижтимоий-иқтисодий асосларини яратишда раҳбар фаолияти бугунги кун маданияти, кўникмалари, руҳиятига мос равишда амалга ошмоқда. Бу шароитда, шунингдек, ахборотлар оқими, уни тартибга солиш, назорат қилиш борасидаги амалий тадбирлар воситасида юз бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар жамиятда раҳбарнинг ўрни ва аҳамиятини илмий жиҳатдан тадқиқ этишни, айниқса, муҳим масала қилиб қўймоқда. Ўзбек жамиятида жамият бошқаруви тизимнинг ўзига хос тузилиши ва биз учун муҳими унда раҳбарлар фаолияти омилининг ўрни борлиги билан белгиланади. Яъни марказий бошқарувдан тортиб маҳаллий бошқарув органларигача бугунги кунда раҳбарлар фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда «кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамиятига ўтиш»нинг ижтимоий-иқтисодий асосларини яратишда раҳбар ходимлар фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари бўйича олиб борилган тадқиқотдан қуйидаги илмий-назарий хулосаларга келинди:

✓ Ўзбекистон Республикасида жамиятни демократлаштириш ва мамлакатни модернизациялаш шароитида сиёсий ислоҳотларнинг ва давлат бошқарувини янгилашнинг ажралмас ва самарали қисмига айланган фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ташкил қилиниши давлатчилигимизни қайта тиклаш жараёнида омилкор ва ҳаётбахш кудратини кўрсата олди. Бу борадаги Ўзбекистон тажрибасининг хорижий таниқли арбоблар эътирофига сазовор бўлганини мамнуният билан қайд этиш мумкин. Халқнинг асрлар давомида ҳаёт тарзига айланган кадриятларини сиёсий бошқарувда қайта тиклаш ва унинг самарасини тез фурсатда кўриш «кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» деган концептуал мақсаднинг мазмунига айланаётгани, ўзбек «мўъжизаси»нинг бетакрор қудратини, жозибакор кучини англаш ҳар кимга ҳам ифтихор туйғуларини кўрсатиши табиий.

✓ Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, жамият кўпроқ маънавий баркамол раҳбарга эга бўлса, ана шу жамиятдаги тарихий тараққиёт, тикланиш кескин сиёсий «силтанишларсиз», ижтимоий «оғриқларсиз» ва иқтисодий инқирозларсиз ўтади. Зотан, миллий ғурури, ватанга ишқи, келажакка ишончи бўлмаган раҳбардан матонат, жасорат кутиб бўлмайди. Бундай раҳбарлар халқни, миллатни боши берк кўчага олиб кирадилар, холос. Боз устига иқтисодий инқироз, сиёсий беқарорлик, ижтимоий кескинлик сари бошлайди. Шу туфайли ҳам эзгу мақсадлар руёбга чиқмай қолади.

✓ Ўзбекистонда «кучли давлатдан - кучли жамиятга ўтиш»нинг ижтимоий-иқтисодий асосларини яратишда раҳбар кадрлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ҳар томонлама ошириш, масъулиятини оширишга қаратилган тадбирларни изчиллик билан амалга ошириб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Давлат томонидан мақсад қилиб қўйилган «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилига асосан, келажакда давлат кузатувчи орган вазифасини бажариб, жуда зарур ҳоллардагина ижтимоий ва иқтисодий ҳаётга минимал даражада аралашади. Ушбу кўрсаткичларга эришилиши кучли давлатдан кучли жамиятга ўтганликни билдиради.

«Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили асосида тобора чуқурлашиб бораётган ислоҳотлар жараёнлари сиёсий партияларнинг давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партиялар роли кучайишини зарурат қилиб қўйиши натижаси ўлароқ, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонуннинг қабул қилиниши давлат бошқарувини эркинлаштириш соҳасидаги мурим ўзгаришларни амалга оширишнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади.

Биринчи Президент И.А.Каримов асарларида мустақиллик туфайли раҳбарликнинг ҳаётий фалсафаси қандай бўлиши кераклиги ҳар жиҳатдан илмий-назарий, концептуал тарзда асослаб берилган. «Раҳбарликнинг содда ва ҳаётий фалсафаси» деган муҳим фикр илмий муаммога киритилди. Унинг маъно ва моҳиятини атрофлича ўрганиш ҳар бир киши учун жуда муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, бугунги раҳбар кадрларнинг ҳаётий фалсафаси нимага асосланади, ундаги ўзгаришларнинг фалсафий негизлари раҳбарлик фаолиятида қандай намоён бўлмоқда деган масала ўрганишга, фалсафий мушоҳадага эҳтиёж сезади.

Ўзбекистонда кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтишнинг ижтимоий-иқтисодий асосла-

рини яратишда замонавий раҳбарликнинг ҳаётий фалсафаси:

- Раҳбар учун зарур бўлган яна бир муҳим фазилат халқ билан тил топиша олишдир. Раҳбар энг мураккаб, энг қийин вазиятларда ҳам одамларни кўндириши, уларни баъзи бир ножўя йўллардан, хатти-ҳаракатлардан қайтариши ва ўз атрофида соғлом вазият, соғлом иқлим барпо этиши даркор.
- Раҳбарнинг атрофидаги муҳит, маънавий иқлим одамларни ўзига қаратиши, ўзига жалб эта олиши керак.
- Албатта, бундай хусусият ва фазилатларга эга бўлган шахсни топиш қийин, бу ҳозирча кўпроқ истак бўлиб қолиши ҳам мумкинлиги эҳтимол.
- Лекин ҳар қайси раҳбар ана шу талабларга интилиши, ана шу фазилатларга муносиб бўлиш учун ўзини доимо қийнаб яшаши, унга ишонч билдириб, масъул лавозимга кўтарган халққа ҳамиша сидқидилдан хизмат қилиши, керак бўлса, шу йўлда жонини ҳам фидо этишга тайёр туриши даркор.

Хулоса қилиб айтсак, маълумки, ўзбек жамиятида раҳбарнинг ижтимоий масъулияти жуда юксак бўлиб, биринчи навбатда Ўзбекистонда «кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамиятига ўтиш»нинг ижтимоий-иқтисодий асослари барқарорлигини таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Бу вазифани ҳеч бир муаммоларсиз амалга оширишга қодир бўлган ўзбек раҳбари қадим-қадимдан етарли даражада маданий, психологик, диний-ижтимоий билим ва кўникмаларга эга бўлган. Ўзбек жамиятидаги ижтимоий муносабатлар, маданият ва дин раҳбарга ана шу билимларни қонуният тарзида эгаллашга имкон яратган. Истиқлол муносабати билан раҳбарларимизнинг ҳуқуқлари янада кенгайди. Бу эса уларнинг, бир томондан, тарбиявий таъсирларга чексиз имкониятларни очиб берган бўлса, иккинчи томондан, улар зиммасидаги вазифаларни хам катталаштиради. Бу эса ижтимоий сиёсий жараёнлар ривожида раҳбар меҳнати омилларини тадқиқ этиш заруратининг яна бир муҳим далилидир.

Адабиётлар:

1. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимда **«**Бизнинг йўлимиз – демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир**»** номли маърузаси. // Халқ сўзи.- 2011.- 8 декабрь.

2. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. -Т.: Ўзбекистон, 2002. -Б.23.

3. Каримов И.А. Янгиланиш ва ўзгаришлар жараёни ортга қайтмайди.//Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10.-Т.: Ўзбекистон, 2002.- 325 б.

4. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари.//Биз танлаган йўл - демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11.-Т.: Ўзбекистон, 2003.- Б.27-29.

5. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари.//Биз танлаган йўл - демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11.-Т.:Ўзбекистон, 2003.- Б.27-29.

6. Ўразаев Ш.З. Мустақил Ўзбекистон Конституцияси.- Т., 1994.- Б.35.

7. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир // Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13.- Т.: Ўзбекистон, 2005.- Б.179.

8. «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонун ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаларига шарҳлар –Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси номига йўллаган хатидаги принципиал мезонлар // Халқ сўзи.- 2006.- 9 ноябрь.

9. Фредерик Старр. Мы должны правильно трактовать те процессы, которые происходят в этой стране. // Uzbekistan today.- 2006.- 3 ноябрь.

10. Тетсужи Танака. В Узбекистане демократия на стадии активного развития; Ширин Акинер. Гражданское общество всегда у вас было и будет. //Uzbekistantoday.2006. 3 ноябрь.

11. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари // Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б.11.

12. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий юксалиш йўлида // Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т. 5. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б.100-101.

Ўзбекистон Миллий университети,
2017 йил 21 декабрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. И.Эргашев)